



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

**BUYRUG'I**

20 14 yil "04" 08

№ 434

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПФ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорини ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПФ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қароридан белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПФ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика ва тиббиёт таълим муассасаларида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизидан Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда – Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Тиббиёт таълими ва даволаш-профилактика муассасаларида ёшлар ва жамоа ўртасида:

- терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали кураш олиб бориш;

- жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик, оилавий кадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларнинг олдини олиш;


- миллий ғояни тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини барчаннинг ижтимоий ҳаракатига айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

- ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш. Интернет, ахборот коммуникация тенхологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафқуравий иммунитетни кучайтириш;

- халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тоғувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга эришилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Қ.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

В а з и р



**А.Шадманов**